

**Zarifjon Z. ARSLONOV,**  
Doctoral Student of IRCICA Department of  
Islamic History and Source Studies of the  
International Islamic Academy of Uzbekistan.  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [zarifjonaarslonov@gmail.com](mailto:zarifjonaarslonov@gmail.com)

## АЛИХОНТУРА СОГУНИЙ АСАРЛАРИ ТАСНИФИ

### CLASSIFICATION OF ALIKHONTORA SOGUNI'S WORKS

### КЛАССИФИКАЦИЯ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АЛИХОНТОРА СОГУНИ

#### КИРИШ

Бугунги кунда дин ва унга алоқадор бўлган барча ишлар давлатимиз раҳбари томонидан юксак эҳтиром билан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Бунга яққол мисол қилиб, Ислом дини илмлари ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг бой меъросини чуқур ўрганиш, улар томонидан асос солинган илмий фаолиятни қайта тиклаш ва ривожлантириш борасидаги ишларни жадаллаштириш мақсадида ислом цивилизацияси марказининг қурилаётганилиги, Имом Термизий, Имом Бухорий ҳамда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари шунингдек, ҳадис мактабарининг ташкил этилгани ва яна қатор мисолларни келтириб ўтишимиз мумкин. Юқорида айтиб ўтилган мислсиз меҳнатнинг самараси сифатида заҳматкаш халқимизнинг ислом дини илмларини чуқур ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиши натижасида китобхонликнинг ривожланиб бораётганини баралла айтиш мумкин. Бугунги кунда кўплаб китоблар муштарий бўлган халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда.

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Ватанимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган. Ажоддодларимиз тафаккури ва даҳоси маҳсули бўлган қадимий ёзма манбалар ва асрдош асарлар халқимизнинг буюк маънавий бойлигидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, бугунги даврда “Элимизга исломни

тўғри тараннум этиш – жуда катта тарбия”dir (Ш. Мирзиёев, 2017). Бу йўлда олиб бориладиган ишларда ишончли ва аниқ маълумотларга эга китобларнинг бўлиши биз учун катта ютуқ ҳисобланади. Ана шундай нодир асарлар қаторига ўтган асрнинг забардаст олимларидан бири бўлмиш Алихонтурा Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий” китобини намуна сифатида эътироф этсак, адашмаган бўламиз. Ушбу китобнинг содда тилда ёзилганлиги, ҳамда ислом тарихини ёритишида ишончли маълумотлардан фойдаланилгани сабабли ҳозирда асрнинг харидорлари кундан кунга ошиб бормоқда.

“Тарихи Муҳаммадий” Алихонтурा Соғунийнинг энг йирик асари бўлиб 1959 йили ёзил тутатилган. Бу асар ҳақида бъязи бир фикрларни алломанинг набираси Баҳманёр Шокиров “Тарихи Муҳаммадий” асрининг, “Буюк устоз ҳақида сўз” кисмида айтган фикрлари орқали келтириб ўтмоқчимиз.

“Тарихи Муҳаммадий” нинг ёзилиши қанчалик куч-ғайрат, машаққатли меҳнат ва билим-заковат талаб этган бўлса, уни қабиҳ коммунистик тузум таъқибидан асрараш ундан ҳам қийинроқ бўлган. Бобом деярли йигирма йил мобайнида жуда оғир ахволда, диндорлар кувғинда бўлган йиллари ёзган бу бебаҳо асарни авайлаб замони саодатга, келажак авлодга етказиб бериш учун кўп йиллаб уни ер остида, ҳатто ун қопларида ҳам сақлаганлар. Ўзбекистонимиз истиқлолга эришган бу доруломон қунларда адолат карор топиб, ҳақиқат очиқ айтилмоқдаким, йирик исломий-фалсафий олимларнинг яқдиллик билан эътироф этишларича, “Тарихи Муҳаммадий” XX асрнинг энг инсонпарвар, бетақрор, буюк асарларидан бири ҳисобланади. Китобни оққа кўчириш, ҳаттотлик эса ёшлигиданоқ энг олий мақсади отага хизмат қилиш бўлган, бобомнинг суюкли фарзандлари – менинг падари бузругворим бўлмиш Муҳаммадёрхонтўра зиммаларида эди. Биз ёш бола эдик, дадамлар ниҳоятда гўзал арабча хусни хатлари билан туну кун ёзардилар.

#### НАТИЖА

Ҳақиқатда “Тарихи Муҳаммадий” асари китобхонлар қўлига етиб келгунинга қадар жуда кўп машаққатли қунлардан ўтди. Ўша давр сиёсий тузуми ислом тарихи бўйича ёзилган бундай етук асарни қабул қилишга тиш-тирноғи билан карши эди. Лекин шундай бўлса-да, Алихонтурा

**Аннотация:** Мақолада Алихонтўра Согуний томонидан таълиф этилган асарлар, хусусан, энг ирик “Тарихи Мұхаммадий” асари ҳамда аллома ушбу асарни ёзиши ва халқимизга етказиб бершида жусуда катта машаққатли құнлар ўтказғани баён этилған. Собық совет түзүми XX асрнинг энг инсонтарвар, бетакор, буюқ асарларидан бири ҳисобланған ва ислом тарихи бүйічә ёзилған бундай етуқ асарни қабул қилишига тиши-тирноги билан қарши әди. Лекин шундай бұлсада, Алихонтўра Согуний бу хайрли ишга құл уриб минг бир машаққат ила асарнинг китобхонлар құлғига етиб келиши учун ўз жонини фидо қылды. Мақолада муаллиф асарни ёзишида қайси китоблардан фойдаланғани, бошидан қандай синовли құнларни ўтказғани, шунингдек, асарнинг хотима қисміда битилған Согуний қалбидаги сұзлары ёритилған. Бундан ташқари, Алихонтўра Согуний ўз даврининг тенги ітүқ алломаси бұлғаны, илмнинг барча соғаларыда қалам юргизиб, ўзидан сұнг улкан илмий мерос қолдирғани, қолаверса, диний-мағрифий соҳада ёзған асарлари барча илм ақылары әзтиборида экани таъқидланади.

**Калит сұздар:** Алихонтўра Согуний, Тарихи Мұхаммадий, Шарқий Туркестон, Гулжас, нақшбандия, чор Россияси.

**Аннотация:** В статье рассказывается о трудностях с которыми столкнулся Алихантюра Согуни при написании и публикации своего крупнейшего произведения «История Мухаммеда». Бывший советский режим был категорически против принятия столь зрелого труда по истории ислама, который считается одним из самых гуманных, уникальных и великих произведений XX века. Тем не менее, Алихантюра Согуни пожертвовал своей жизнью, чтобы сделать это произведение доступным для читателей. В статье рассказывается, какие книги использовал автор для создания произведения, через какие испытания он прошел с самого начала, а также о написанных во вступительной части произведения сердечных словах Согуни. Кроме того, отмечается, что Алихантюра Согуни был уникальным ученым своего времени, он творил во всех областях науки и оставил большое научное наследие. Его труды в области религии и просвещения и в настоящее время находятся в центре внимания ученого мира.

**Ключевые слова:** Алихантюра Согуни, Тарихи Мұхаммади, Восточный Туркестан, Кульджас, нақшбанди, царская Россия.

**Abstract:** The article says that Alikhantura Soguni had a hard time writing his works, in particular, the largest work Tarikh Muhammadi and delivering it to our people. The former Soviet regime was categorically against the adoption of such a work on the history of Islam, which is considered one of the most humanistic, unique, and great works of the twentieth century. However, Alikhantura Soguni sacrificed his life to make this work accessible to readers. The article tells which books the author used to write the work, what trials he went through from the very beginning, as well as the words in Soguni's heart written in the introductory part of the work. In addition, it is noted that Alikhantura Soguni was a unique scholar of his time, he wrote in all fields of science and left a great scientific heritage. His works in the field of religion and education are at the center of the attention of all scholars.

**Key words:** Alikhantura Soguni, Tarihi Muhammadi, East Turkestan, Gulja, naqshbandi, tsarist Russia.

Соғуний бу хайрли ишга құл уриб, минг бир машаққат ила асарнинг китобхонлар құлғига етиб келиши учун ўз жонини фидо қылды. Муаллиф ўз асарининг хотима қисміда китобни ёзишда қайси манбалардан фойдаланғани, қандай синовли құнлардан ўтганини эслаб ўтади. Ижозатингиз билан қуида китобнинг “Туганчи” қисміда битилған Алихонтўра Соғунийнинг қалбадаги сұзларини көлтириб ўтмоқчимиз.

“Энди Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари учун шунча қылғон оғир хизматлари, ислом дини йўлида тортган чексиз-ҳисобсиз азоблари меҳнат машаққатларининг ажр-савобларини у зотга Аллоҳ ўзи ато қылсин”. Бу китобда ёзилған Расулуллоҳнинг сифатларини ўқиганлар, ҳар бир ўринда айтган сұзларини англағ,

қылғон ишларини билған мұммән-мусулмонлар шундан ўрнак олиб, бунга амал қылсалар, Аллоҳнинг улуғ раҳматига лойиқ бўлиб, унинг дийдорига мушарраф бўлғайлар, иншаа Аллоҳ. Ушбу сұздарни тўплаб китоб ёзгувчи бу гуноҳкор бандани ҳам эскариб дуода ёд қилғувчилар бўлса, уларни ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қиёмат куни шафоат вақтида ёд қилғайлар.

Эй Раббим, Парвардигорим! Мундоқ улуғ неъматни ҳабибинг Расулуллоҳ ҳазрат Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарих ва тавсифларини ёзишни мендек гуноҳкор ғариб қулингга насиб қылдинг. Мен энди бу улуғ давлат шукрини қандоқ адо қила олгайман? Унинг даргоҳига шу тилим бирла нима деб шукр айтишимни била олмайман.

Байт:

*Бу улуг неъматни шукрин мен каби ожиз қули  
Канча айтса билдиrolmasdур анинг мингдан  
бира...*

Саҳиҳ Бухорий ривоят қилурким, Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам айтурлар:

*إِنَّ الْإِيمَانَ لَا يُعَرَّضُ إِلَى الْمَدِينَةِ كَمَا تَأْزِرُ الْحَيَاةَ إِلَى حَرَرِهَا*

“Иннал иймона лаа яъразу илал Мадинати камаа таъзирул ҳайяту ила жухриҳа” (Имом Бухорий; Имом Муслим). яъни “Илон одамни кўрганида ўз инига қараб қочганидек, Иймон ҳам Мадинага қочади”. Охири замон аломатлари баёнида бу сўзни демишлардур. Расулulloхнинг айтганлари шу кунларда бошимизга келиб, кўзимиз билан уни кўриб турибмиз.

Улуғ авлиёлардан имом Шаъроний айтадур: Тарих ҳижрат бир мингдан ўтди эрса, ажойиб-ғаройиб замонлар бўлгай. Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, кўнгилга келмаган ишларни кўргайлар. Илм ошиб, хунар кўпайиб, табиат сирлари юзага чиққай. Лекин дин ташланганликдан иймон, инсоф,adolat Ер устидан қўтарилигай...

Мана шундай оғир бир даврда мен бу кутлуғ китобни ёзишга киришдим. Ҳижрий 1380 йили 26-Рамазон (1961 йил 14 март) ойида “Кўҳота” маҳалласида бу китобни оққа кўчирдим. Жон ховучлаб юриб, мунинг устида қўрқинчлик билан кўп йиллар ўтказдим. Аллохнинг ёрдами, Расулulloхнинг шафоатлари бўлиб, охири шу тилагимга етдим.

Энди замона ишлари шундай бўлса, сенинг бу китобингни кимлар ўқиб, ким бунга кизиқади? Бунинг бозори қачонлардан бери касод бўлиб, дўконлари бузилмиш эди. Бу сўз гавҳарига энди ким харидорчилик қиласи? десалар, жавоби шулки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

“Ислом дини дастлабда ғариблик билан бошланди, энг кейин яна ғариблликка қайтади. Ҳайҳай, шу ғариблликка тушган, динларни ташламай кутган ўша замондаги ғариб мўминлар, меним қандай яхши умматларимдир!”

“Дин ғариб бўлиб, шариати ташланган кунларда ким менинг суннатимга қаттиқ ёпишиб, олов чангллагандек қийналса ҳам, ундан ажрамай дунёдан ўтса, Аллоҳ таоло ундай мўминга юз шаҳидининг савобини ато қиласи” (Байҳақий; Табароний).

Яна Расулulloҳ айтдилар: “Меним бир тоифа умматим бордурким, қиёмат бўлгунча ҳам булар ҳақ ўйлдан адашмайдилар”.

Мана бу ҳадислар “Саҳиҳ Бухорий”да ва бошқа ҳадис китобларида ҳам бордур. Шу мавзуда келган

яна бошқа ҳадислар ҳам кўпдур. Ҳадисларнинг мазмунларича, ҳазрат Исо алайҳисалом осмондан тушиб, Дажжолни ўлдирғанларидан сўнгра яна кирк йил умр кўргайлар. Ўша замонда бутун дунё ҳалқи ислом динига киргай. Исо алайҳисалом Қуръон ҳукмини бутун Ер юзига юргизгайлар. Бу зот вафот топгандан сўнгра яна оламни куфр коронғилиги босгай. Ана шу чоғда ҳам Байтуллоҳни мусулмонлар тавоғ қилишар экан.

Шундоқ қилиб, мана бу ҳадислардан маълум бўлурким, дин ҳар қанча заифлашиб, Ер устида Ислом ҳукумати қолмаса ҳам, лекин ҳақиқатдан адашмайдирган бир тоифа умматлари қиёматгача Ер устидан узилмас эканлар. Энди мен ҳам ўзимни ҳақ ўйлдан адашмайдиган шу мўминлар қаторига қўшдим. Шунинг учун мен бу китобимни Расулulloхнинг шу тоифа умматларига атаб ёздим. Менинг бу китобимни, ин шаа Аллоҳ, шулар ўқиб, фойдаланиб, баҳра оладилар, деб Аллоҳдан умид қилдим.

“Эй меҳрибон Раббим! Сен рози бўлғудек, Пайғамбаринг яхши кўргудек ҳақ ўйлда жонбозлик қилмоқчи эдим. Тақдирга тўтри келмагач, у тилагим кўлга келмади”<sup>1</sup> Бу ҳақда қилган бандачилик гуноҳларим учун ўзингдан афв ўтина дурман.

Эй улуғ Тангри! Энди эрса ёшим етмиш учдан ўтди, ёшлигим ғафлат била қўлдан кетди, сенинг даргоҳингга борар чоғим яқинлашди.

Ҳабибинг Мухаммаднинг шафоатидан, Ўзингнинг чексиз раҳматингдан бошқа менинг паноҳим йўқдур.

Эй Раббим, менинг фарзандларимни ва мендан тарқаган наслларимни ҳақ ўйлдан адаштирмагил. Бу китобни ўқиб, бунга амал қилган мўминларни Ҳавзи Кавсар сувидан қондириб, Расулulloҳ шафоатларини аларга насиб қилгил.

Маълумдурким, шу кунги даврда динсизлик оғати бутун дунёга тарқалди. Мунинг Энг қатиқ зарбаси биз ерлик ҳалқ – Ўзбекистон ва Шарқий Туркистон мусулмонлари устларига тушди. Баҳти қочган бечора ҳалқимиз ҳақиқий исломиятдан кўп йил илгариёқ ажраган эдилар. Шунинг натижасидурки, охири ватанларидан, динларидан, бутун инсоний ҳуқуқларидан ҳам ажрадилар. Лекин юзаки исломият Ўзбекистон ва Шарқий Туркистон мусулмонлари ичida шу кунларгача ҳам кўрилмоқда эди. Энди бундан ҳам ажралиш навбати етиб келди. Дунё бўйича турклик бешиги ҳисобланган икки Туркистон ватанимизни ютиб, сингдириш учун коммунистик ҳокимияти

<sup>1</sup> Туркистон мусулмонларини озодликка олиб чиқиши даъвоси назарда тутилмоқда

остида Шарқдан қора ялмоғизлар, Фарбдан сарық ялмоғизлар ўз эркларича ейишга киришдилар. Миллий, диний расм-одатларимизни, айниқса, диний ишларимизни туб илдизидан қуритдилар.

Ватаним мени ҳайдаса ҳам, ўзимга суюклиқдур. Миллатим мени хўрласа ҳам ўзимга қадрликдур. Булар учун ҳар, яхшиликни қилмоқчи эдим, қилолмадим. Озбўлсаям қилмай, қараб туролмадим ва келажакдаги қаҳрамон миллат болаларига, балки бутун Туркистон мусулмонларига ўзимдан ёдгорлик қолдирмоқчи бўлиб она тилда Чигатой туркийси билан бу китобни ёздим. Саводлик-саводсиз турк тиллик ҳар қандай кишиларга ҳам тушунарлик бўлсин деб арабий, форсий, сўзларни кўп аралаштирумадим. Шунинг учунким меним мақсадим эрса ислом динини ҳалққа тушунтириш, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни уматтларига таништириш эди. Шундай бўлгач, ҳар миллатнинг ўзидан етишган олимлари Аллоҳ амрини, Қуръон ҳукмини шуларнинг ўз тилларида очик-оидин қилиб айтиб туришлари, албатта, лозимдур. Ўқиганда ёки ўқитиб эшитганда кишилар тушунгудек қилиб ўз тилларида китоблар ёзib қолдиришлари зарурдир. Шу сабабдан мен бу китобни бошқа тил қўшмай, сўзларини соддалаштириб ёздим. Ўқиган ва эшитганлар яхши тушуниб турсалар, мақсадимиз шулдур.

Бу китобни ёзганимда кўпроқ шу тубандаги асарлардан фойдаландим: “Зодул маъод” (Ал-Жавзия), “Сийратул Ҳалабийя” (Ҳалабий), “Сийратун набавийя” (Ибн Исъҳоқ; Ибн Ҳишом), “Шифои Шариф” (Қози Иёз), “Нурул-яқин” (Ибн Ҳузарий). Шуларни кўз олдимда тутдим, айниқса, “Сийратул Ҳалабийя” нинг маълумоти кенгроқ бўлгач, унга кўпроқ қарадим. Меърож воқеасини “Саҳих Бухорий”дан кўтардим.

Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарихлари, таржималари ёзилмиш китобларнинг мўътабарлари шулардур. Ушбу асарларнинг муаллифларини Аллоҳ раҳмат қиласин. Расууллоҳнинг сифатлари, таржимаи ҳоллари, балки кундалик қилган ишларини бизларга етказган зотлар саҳобалардур. Аллоҳ улардан рози бўлсин, улуғ ажрлар ато қиласин. Меним яна васиятим шулдурким, ўз авлод-наслларимдан ҳар бир оиласда бу китобдан бир неча нусха сақланиши, албатта, зарурдир. Агар келгуси замонларда имконият топилар экан, бешён минглаб бостириб, ҳар икки Туркистон ҳалқига, асли Ватан эгаларига ўзбек, уйғур улусларига тарқатишни уларга топширдим. Меним бу топшириғимни вақти келганда бажариш ўз авлодим устига юклangan муқаддас бир улуғ вазифадур.

Агар мусулмонлар шу китобда ёзилмиш сўзларни амалга оширасалар, Расууллоҳ сўзларича, дунё хорлигидан, охират азобидан кутилишлари шубҳасиздур. Ҳеч бўлмагандан Пайғамбаримиз айтган қиёматгача ҳақ йўлдан адашмайдиган, нажот топган ҳар бир тоифа умматларидан бўладилар ва ҳам ислом динининг асосига тушуниб, динсизлик балосидан ўзларини, авлод-насларини қутқара оладилар. Чунки бу балодан кутилиш учун дин тарихини билишдан ўзга чора йўқдур. Дин тарихини билишга, Расууллоҳнинг таржимаи ҳолларидан хабардор бўлишга бизнинг китобимиз кафилдур.

Хоҳи авлодларим, хоҳи бошқа ватандош дин қариндошларимиз бўларлар, ибрат кўзини очиб, ақл кўзгусини кўлига олиб, ҳар ийли бу китобни бир йўл бошдан-оёқ ўқиб туширишни ўзларига вазифа қилсинлар. Инshaа Аллоҳ, китоб ҳатм бўлган чоғда қилган дуолари Худо даргоҳида мақбулдур. Анинг учунким 360 жангчи Бадр ғозийларининг муборак исм-шарифлари бу китобда ёзилмишдур. Шунинг учун ўқитувчиларнинг дуолари изжабат бўлиб, оғат ва балолардан омонда бўлғайлар. Шу хақда айтилмиш аларнинг хосиятлари мўътабар, улуғ ҳадис китобларда ёзилмиш, ваъдалари тажриба қилинмишдур.

Эй фазли-қарамлик, Раҳмон, Раҳим сифатлик меҳрибон Раббим! Бу китобда номлари ёзилган яхши бандаларнинг ҳаққи-хурматида мен ғариб қулингни ёлғончи қилмагил, ўқигувчиларни оғат ва балолардан асраб, иймонларини саломат сақлаб, охиратларини обод қилгил. Мендан кейин авлод-наслларим ҳақ йўлдан адашиб, Расууллоҳ олдида хижолатга кўймагил. Буларнинг динларини, дунёларини, охиратларини Ўзингга омонат топширдим. Бош-оёғимизни чирмаган, дунё-охиратимизни қоплаб, ҳар икковидан ажратгани турган, бошимизга келган балодан Ўзинг қутқаргил. Бу китобимни ёмон кўздан, ёмон қўллардан сақлаб, қиёматгача бундан фойдаланишни уммати Муҳаммадга насиб қилгил.

Эй бор худоё! Уммати Муҳаммадни раҳмат қил! Уммати Муҳаммадни балодан қутқаргил! Абадий-азалий илмнинг сиғдирганича Расууллоҳга, унинг авлодларига, асхобларига ва аҳли байтларига биздан саловот ва саломотларимизни еткургил. Омин” (А. Соғуний, 2011).

## МУҲОКАМА

Алихонтўра Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий” асари жуда катта машаққатли меҳнат ва

тинимсиз олиб борилган саъй-харакатларнинг самараси ўлароқ китобхонлар қўлига етиб келган. Юқорида айтиб ўтилган фикрларнинг исботи сифатида Алихонтўранинг ўғиллари бўлмиш Қутлуғхон (Эдикут) Шокировнинг фикрларини келтириб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

“Тарихи Муҳаммадий асари ушбу нашрга тайёрлаш жараёнида жиддий таҳқиқ қилинди. 1991 йилда китоб илк босмага ҳозирланётганда уни зудлик билан халққа етказиш керак бўлганлигидан вактни бой бермаслик мақсадида хаттотлар йўл қўйган бир қатор камчиликлари устида тўхтаб ўтирилмаган. Шу ҳоли билан ҳам у ўртада ҳеч бир исломий адабиёт бўлмаган бир пайтда халқнинг эҳтиёжига чўлда қолган чанқоқ йўлчига ҳаётбахш сув каби яради. Муаллифнинг ҳолис нияти ҳам шу эди. Асар ўтган вакт ичida кўп марта босилди, оз деганда бир авлод диний шуурининг шаклланишида хизмат қилди, балки бунга васила бўлди, инша Аллоҳ” (А. Соғуний, 2011).

Юқоридаги фикрларнинг давомини келтиришдан олдин китоб устида олиб борилган таҳқиқ, таҳриж ва тўлдириш ишлари қай тарзда ва қаерда амалга оширилганлигини келтириб ўтишликни мақсадга мувофиқ деб топдик. Бу таҳқиқ, таҳриж ва тўлдириш ишларини Қутлуғхон Шокиров 2009 йил 63 ёшида Истанбул шаҳрида бошлаган ва 13 ой деганда ишни ўз ниҳоясига етказган.

“Энди таҳқиқ асносида қилинган ишларга ва бошқа очиқламаларга келайлик:

– 300 атрофида Қуръони Карим ояти ва Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларининг асллиги дин илми мутахассислари ёрдамида маҳсус тадқиқ қилинди ҳамда араб тилидаги шакли илова этилди. Оятлар манбаи ва маъно таржимаси бурчакли қавслар ичida матнда берилди. Ҳадислар таҳрижга тобе тутилиб, яъни келиб чиқиши текширилиб манбаи аниқлангач, сахифа сўнгидаги сатр остида кўрсатилди.

– Пайғамбаримизнинг подшохларга ёзган номаларининг ва бошқа хужжатларининг асллиги манбалардагиларга қиёсланди, арабча шакли билан берилди, баъзилари тўлдирилди, баъзилари тасҳих қилинди.

– Пайғамбаримизнинг Табук ғазоти ва Вадо ҳажида сўзлаган хутбалари асллари билан қиёсланди, арабча ёзувдаги шакли берилди ва қисман ташоҳих қилинди.

– Баъзи арабча шеърларнинг тўлиқ матни берилди ва арабчаси илова этилди.

– Кирил имлосида ёзилган арабча дуо, ҳар турли жумла, ибора ва матн парчаларини араб ёзуvida ҳам берилди.

– Мазмунга уйғунлик мақсадида б сарлавҳанинг номи янгиланди, Расулulloҳ мўжизалари 52 кичик сарлавҳа остида берилди.

– Ҳижрий саналар ва ойлар текширилиб, уларга милодий хисоблари илова этилди.

– Расулulloҳ шажаралари берилди.

– Шахс, жой, асар ва шу кабилар номларининг кўллэзмадан тўғри кўчирилганлиги текширилиб, манбалардагилар билан солиширилиб керакли тузатишлар киритилди.

– Чифатой туркчасидаги ва бошқа туркий ҳамда туркий бўлмаган сўзларнинг таржимаси матнда ёйсимон қавслар ичida берилди (Бунда муаллифга тааллуқли очиқламалар “ред.” ишоратисиз кўрсатилди).

– Бир қисм диний, тарихий истилоҳлар маънолари, жўғрофий номлар шарҳлари сахифа ости ҳошияларда берилди.

– Англашни осонлаштириш учун бурчакли қавслар ичida ёрдамчи хусусиятдаги калималар берилди.

Янада шу хulosага борилди, юқорида кайд этилганлар билан асар устида ишлаш тўхтаб қолмаслиги керак. Таҳқиқини кутган ва тўлдирилиши уйғун бўлган яна бир қанча масалалар бор. Улар келажақда амалга оширилганда “Тарихи Муҳаммадий” асари янги қирралари билан намоён бўлади” (А. Соғуний, 2011).

Биз изланишларимиз давомида “Тарихи Муҳаммадий” асарининг дастлабки қоралама нусхаси 12 вароқли кичик дафтарларга ёзилганлигини аниқладик. Китобни нашрга тайёрлаш ишлари Алихонтўранинг ўзларига насиб этмаган. Мустақиллик шарофати билан китобни нашр этишга Соғунийнинг авлодлари муюссар бўлди. Дастлабки нашр қилишда хаттотлар томонидан турли хил имловий хатоликларга йўл қўйилган, баъзи бир жумлалар асл нусхадаги ҳолатидан бошқача кўринишида нашр қилинган эди. Бундай хатоликларни тузатиш учун Қутлуғхон Шокиров томонидан асар устида тадқиқот олиб борилиб, қуидаги манбалардаги маълумотлар билан “Тарихи Муҳаммадий” нинг қоралама нусхасидаги маълумотларни ўзаро солишириб нашрда йўл қўйилган хатолар тузатилади.

**Қуйида манбаларни аниқлашда фойдаланилган асарларни келтириб ўтамиш:**

• Абд ибни Ҳумайд (ваф. 863). Муснад (Таҳқиқ: Субҳи ал Бадрий ас-Сомаррой, Маҳмуд Муҳаммад Ҳалил ас-Саидий), Мактабатус-сунна, Қохира, 1408/1988.

• Абдураззоқ, Абу Бакр Абдураззоқ ибн Ҳаммам (744–826). Мусаннаф. (Таҳқиқ: Ҳабибурраҳмон

ал-Аъзамий), ал-Мажлисул илмий, Байрут, 1403/1983.

- Абу Ҳайён. Баҳри мухит, Дорул-фикр, Байрут, 1983.

- Аҳмад ибн Абдуллоҳ ат-Табарий (ваф. 694/1295). Риёзун-надира. Дорул-гарбил-исломий, Байрут, 1996.

- Ажлуний, Исмоил бин Мұхаммад (ваф. 1162). Кашфул-хофа ва му-зилул-илбос, Муассасатул-рисала, Байрут, 1988.

- Аҳмад ибни Ҳанбал (781–856). Мұснад, Муассасатул-Құртуба, Қохира, сана құрсағылмаган.

- Фазоилус-саҳоба, Муассасатул-рисала, Байрут, 1403/1988.

- Алийюлқорий (ваф. 1014/1606). Ал-Маснуъ фи маърифати ҳадисил мавдү. [Тахқиқ: Абдулғаттох Абу Лутфи Гудда], Мактабул-мат буатул-исломий, Қохира, 1984.

- Байҳақый, Абубакр Аҳмад бин ал-Хусайн (х, 994–1066), Ас-Сұнанул кубро, Мактабату дорил-боз, Макка, 1410/1994.

- Шуъобул-имон (Тахқиқ: Мұхаммад ас-Сайд Басюний аз-Загаул), Дорул-кутубил-илмийя, Байрут, 1410/1990.

- Зұхд, Муассасатул-кутубис-сақофийя, Байрут, 1996.

- Дағоимун-нұбұвва, Дорул-кутубил-илмийя, Байрут, 1985.

- Ал-Әътиқод вал-хидоя [Тахқиқ: Аҳмад ал-Котиб], Дорул-офоқилжадида, Байрут, 1984.

- Мұснадул-Ҳорис (Завоидул-Ҳорис), [Тахқиқ: Ҳусайн Аҳмад Солих ал Бакирий], Марказу Ҳидматис-Сұнна ва Сийратун-Набавийя, Мадина, 1413/1992.

- Ҳоким, Абу Абдуллоҳ бин Абдуллоҳ Найсубурий (933–1015), Мустадакдрак алас-Саҳиҳайн, Дорул-кутубил-илмийя, Байрут, 1411/1990.

- Ҳофиз ал-Мунзирий. Ат-тарғиб ват-тархиб. 1-7 том (туркча тарж.), Ҳикмат Яйналари, Истанбул, санасиз.

- Ҳумайдий, Абу Бакр Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр (вафот 834). Мұснад [Тахқиқ: Ҳабибурраҳмон ал-Аъзамий], I-II, Дорул-кутубил-илмийя-Мактабатул-Мұғтанаббий, Байрут-Қохира, санаси құрсағылмаган.

- Ибн Абдилбарр, Юсуф бин Абдуллоҳ бин Мұхаммад (ваф. 1071). Истиъоб, Дору-жил, Байрут, 1992.

- Ибн Адий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Адий ал-Журжоний (ваф. 365/976). Ал-Комил фи дуағоир-рижол, Дорул-фикр, Байрут, 1985.

- Ибн Асокир, Абул Қосим Сикотайддин (ваф. 571/1176). Тарихи Димашқ, Дорул-фикр, Байрут, 1417/1996.

- Ибни Аби Шайба, Абдуллоҳ бин Мұхаммад (ваф. 1292–1350). Ал-Мусаннаф фил-аҳодис вал-осор., [Тахқиқ: Камол Юсуф ал-Хут], Мактабатур-Рушд, Рияд, 1409.

- Ибни Жазий. Ат-Ташил ли улумит-Танзил, т.1, жойи ва санаси құрсағылмаган.

- Ибн Қайим ал-Жавзийя (1292–1350). Зодул-маод, (тарж.), Истанбул, 1988–1991.

- Ибн Касир, Абул-Фидо Исмоил ибн Умар ибн Касир ад-Димашқий (ваф. 1373). Ал-Бидоя ван-ниҳоя, Дорул-маариф, Байрут, санасиз.

- Ибн Можа, Мұхаммад бин Язид ал-Қазвиний (823–889). Сұнан, Дорул-фикр, Байрут, санасиз.

- Ибн Саъд, Абу Абдуллоҳ Мұхаммад бин Саъд ал-Маний (785–845). Ат-Табақотул-кубрө, Дору содир, Байрут, санасиз.

- Ибни Сайидиннос. Үюнүл-асар, I-II, Димашқ-Байрут, 1992. Ибни Асир (ваф. 630/1233), Ал-Комил фит-тарих, Дорул-кутубил-илмийя, Байрут, 1415/1995.

- Қози Иёз (ваф. 544/1149). Аш-Шифо би таърифи хуқуқил-Мустафо (с.а.в.), [Тахқиқ: Ҳусайн Абдулхәмид Нил], Дорул-арком, Байрут, 1415/1995.

- Құртубий, Мұхаммад бин Аҳмад (вафот 671/1273). Ал-Әълом [Тахқиқ: Аҳмад Ҳижозий Сақа], Дорул-туросил-Арабий, Қохира, 1398/1978.

- Ал-Жомий ли Ахкомил-Құръон, Дорушашаъб, Қохира, 1972.

- Құръони карим (ўзбек тилида). Изоҳли тарж. Алоуддин Мансур. Тошкент, 1992; Тарж, ва тафсир. Абдулазиз Мансур. Тошкент Ислом университети, 2012.

- Насойй, Абу Абдирраҳмон Аҳмад бин Шуайб (215–303). Сұнан (Тахқиқ: Абдулғаттох Абу Гудда), Мактабатул-матбуатил-исломийя, Алеппо, 1406/1986.

- Ас-Сұнанул-кубрө (Тахқиқ: Абдулғаффор Сулаймон ал-Бундорий], Дорул-кутубил-илмийя, Байрут, 1411/1991.

- Суютий, Абдураҳмон бин ал-Камол Жалолиддин (1445–1506). Ал-Хасоисул-кубрө, I-III, Дорул-кутубил-илмийя, Байрут, 1985.

- Ал-Итқон фи улумил-Құръон, – I, Ал-Матбуатул-Майманийя, Қохира, 1317/1899.

- Табароний, Абул Қосим Мұхаммад бин Аҳмад (ваф. 971). Ал-муъжамул-авсot (Тахқиқ: Ҳамди бин Абдулмажид ас-Салафий), Дорул-Ҳарамайн, Қохира, 1415.

- Китобул-мағозий, (Тахқик: Марсден Жонс), Оламул-Кутуб, Байрут, 1966 (А. Соғуний, 2011).

### ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, юртимиз худудларида ўтмишда ёзилган асарларнинг аксарият қисми араб ва форс тилида битилгани сабабли мазкур асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ва кенг китобхонлар оммасига етказиб бериш муаммоси пайдо бўлди. Мутафакир олим Алихонтўра Соғуний ана шундай масалани олдиндан кўра билган инсонлардан саналади. Алихонтўра Соғуний қочқинлик ва тутқунлик даврларида, шунингдек, Шарқий Туркистондан олиб чиқиб кетилгач, Тошкентда ўтказган умри давомида илм ва маърифат билан машғул бўлиб, бир қанча асарларга муаллифлик қилди. “Шифо ал-илал”, “Уйғонайлик, уйғониш даври келди”, “Биздан эмасдирлар ватанинн севмаганлар”, “Туркистон қайғуси”, “Тарихи Мұхаммадий” каби асарлар ўз ёзилиш тарихига эга бўлиб, уларда бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб турган диний-маърифий ва Ватан тарихига оид масалалар ёритилган. Шу билан бир қаторда, “Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи”, “Мусика рисоласи”, “Наводир ал-вақоєъ”, “Темур тузуклари” каби асарларга таржимонлик ҳам қилди. Ушбу таржима асарларнинг барчаси ўз даври ва соҳаси бўйича шоҳ асарлар саналади. Уларнинг ҳар бири алоҳида ёзилиш тарихи ва шарт-шароитларига эга экани ҳамда уларда Ватаннинг улуғ тарихи, юрт равнақи, ёшлар учун панд-насиҳат ҳамда санъат билан боғлиқ масалалар ёритилгани кўриб ўтилди. Хусусан, юқорида тавсифи келтирилган “Темур тузуклари”нинг биргина ўзи нақадар қийматли асар эканлиги барчага маълум. Шу сабабли олимнинг илмий меъросини тизимли тадқиқ этиш, унинг асарларида баён этилган ёшларни илм-маърифатга ундовчи қимматли фикрларни кенг тарғиб этиш ҳамда Алихонтўра Соғуний хотирасини тиклаш тадқиқотчилар олдида турган асосий вазифалардан бири саналади.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Мұхаммадий. – Тошкент: Фоғур Фулом, 2020.
3. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Мұхаммадий. – Т.: Шарқ. 2015. 6-нашр,

4. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Мұхаммадий. – Т.: Шарқ. 2011. 5-нашр.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюқ қелажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
6. Шокиров Қ. Икки Туркистон ғурури. – Т.: Шарқ юлдузи, 1992. 7-сон,
7. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси / (I-II қисмлар) нашрга тайёрловчи Қутлуғхон (Эдиқут) Шокиров. – Тошкент: Шарқ, 2020.
8. Абдулазиз Мансур. Буюқ устоз ҳақида сўз. Т.: 1997. (нашриёти кўрсатилмаган)
9. Алихонтўра Соғуний., Караматов Ҳ. Темур тузуклари. форсчадан таржимаси. – Т.: Фоғур Фулом, 1991.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004. – 313 б.
11. Ислом энциклопедияси. А-Ҳ. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2004.
12. Долимов У. Маърифат дарғалари. – Т.: Маннавият. 1990.
13. Закий Ахмад. Туркистон масаласи. – Берлин, 1924. (нашриёти кўрсатилмаган).
14. Солиҳов М.Б. Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари. Т.: 1932, – 140 б.
15. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. – Тошкент. Шарқ. 2003. 1-китоб.
16. Хўжамбердиев Ё. Соғуний. – Т.: Шарқ, 2018. – 158 б.
17. Алихонтўра Соғуний. Шифо ал-илал. – Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 2004. – 80 б.
18. Алихонтўра Соғуний. Шифо ул-илал. – Тошкент. // Шарқ юлдузи, 1996. 6-сон.

